

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш

Здравоохранение Узбекистана



ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Конституциянинг ўн тўрт йиллик байрами билан чин қалбидан муборакбод этиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни ифдор этишга ижозат бергайсиз.

Қадри дустлар! Биз Конституциянинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни эътироф этишимиз лозим.

Яъни, биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Биз бугун изчиллик билан амалга ошираётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўли ва бу йўлнинг асосий қонунчилиги негизлари ҳақида гапирганда, бамисоли тоғдай таянч бўладиган иккита мезон-мақсадни ўзимизга аққол тасаввур қиламиз.

Биринчиси — юксак даражада тараққий топан демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётимизни қуриш.

Иккинчиси — қадимий ва бой тарихимиз, қадриятларимиз, ота-боболаримиз азиздан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дину диёнатимиз, урф-одат, удув ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тўшган синовда ҳам ўзгичмизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу асосда тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш.

Мана шу иккита йўналиш — замон талаб қиладиган демократик принциплар ва миллий хусусиятларимиз-қадриятларимизни ўзаро уйғун тарзда бирлаштиришдек ўта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифани рўёбга чиқариш, қатъият ва изчиллик билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш — булар биз танлаган йўлни белгилаб бераётган асосий омиллари ва шартни десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч кимга сир эмас — биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгилини ҳараёнлари, ислохотларнинг тақдирини ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, ал-

батта. Унинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, борингки, қандай зуравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида тақлиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак ва иқдор бўлиши даркор.

Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт моделини ишлаб чиқишда инқилобий сакрашлар йўлини эмас, аксинча, тадрижий йўлни, имкон қадар ҳеч кимнинг бурнини қонатмайдиغان, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танладик.

Шу муносабат билан яқинда умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси айнан ана шундай фикр ва мақсадлар билан озиқланган десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашнинг амалий эҳтижи, асосий омиллари ва сабаблари ҳақида гапирганда:

Биринчидан, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривож-

расини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибда туриши зарур.

Одамларнинг фаоллигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги қучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда тақлиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади.

циялар ва маҳаллий кенгашлардаги сиёсий партия гуруҳларининг мақомини аниқ белгилаб қўйиш, барча бугундаги халқ ноибларининг ваколати ва мавқеини ошириш бўйича қонуний механизмларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Содда қилиб айтганда, сайлов натижалари асосида шаклландган Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларда қайси сиёсий партиянинг вакиллари кўпчилик мақомига эга бўлади, қайси партиянинг вакиллари эса озчиликни ташкил қилади, тузилаётган ҳукумат сиёсатига нисбатан қайси партия муҳолифатлик позициясини ўзига маъқул қўради — буларнинг барчаси тақлиф қилинаётган қонун лойиҳасида ўзининг аниқ-равшан ҳуқуқий ифодасини топган.

Сайловлар натижасида Қонунчилик палатасида ўз фракциялари ва маҳаллий кенгашларда депутатлик гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари ва вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши — мана шу ҳолатларнинг ўзи сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин қучайшининг яққол исботи, десак, уйлaimанки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Барчамизга маълум: бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири — бу бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатилган иборат.

Мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партиялар ва жамоатчиликнинг миллий марказий ҳукуматдан тортиб маҳаллий ҳокимият идораларигача — бутун ижро тизими устидан назорат ўрнатишга ҳуқуқий замин яратиши билан эътиборга sazovorдир.

Лунда қилиб айтганда, бу қонун қабул қилиниши билан марказда ва жойларда мансаб вазифасида ўтирганларнинг, керак бўлса, ҳокимият идораларининг кенг жамоатчилик олдига ҳисоб беришининг амалий тартиби ўрнатилади.

Қонунни амалга ошириш натижасида қонунчилик ҳокимияти бўлиши Олий Мажлис ва жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг ваколатини, шулар қаторида ижро ҳокимияти, шу жумладан, ҳукуматнинг мустақиллигини ошириш, шу билан бирга, Президентнинг ваколати ва вазифаларига ўзгаришлар киритиш ва уларни қисқартириш, ҳуқуқий метёрлар доирасида аниқ белгилаб олиш имкони туғилади. Шунинг ҳисобидан биз мамлакатимизда давлат ҳокимияти тармоқларини ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни янада мустаҳкамлашга эришамиз. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар қандай ривожланган демократик тизимга мос талабни амалга ошириш демократидир.

Бугун кун тартибига қўйилган мазкур қонун лойиҳаси ва Конституциямиздаги айрим

(Давоми 2-бетда).

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Истиклолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажаги буюк давлат, ҳеч қандай кам бўлмайдиган жамият қуришдек улук мақсадни қўйдик. Эҳтимол, бу уша пайтда қилмагандир баландпарвоз ёки афсонавий гап бўлиб туолган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмақда.

Чет эллардаги танқидий сиёсатчилар, эксперт ва шарҳловчилар ҳозирги пайтда биз қўлга киритган натижаларни ҳолисона ва ҳаққоний баҳолаб, «Ўзбекистон ўзи белгилаб олган ана шу принципларга оғишмай амал қилса, албатта, келажаги буюк бўлади», деган фикрни билдирмоқда.

Яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Хоразм Маълум академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирлари давомида нуфузли халқроқ ташкилотлар етакчиларининг бизга йўллаган табрикномаларида, юртимизга ташриф буюрган атоқли хорижий олимлар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан бундай юксак эътирофнинг тақдор ва тақдор билдирилганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Бундай фикр ва хулосаларни аштитганда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг юраги қувонч ва ғурурга тўлиши табиий, албатта.

Аmmo биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдига юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгилиниш заманини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгаришларни ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғли долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

линиш йўлидан изчил бориб, ислохотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи ортгани ва анча пишиб етилганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда халқ қучуви сиёсий қучга айлантириш учун қонуний йўл-йўриқларни яратиб бериши бугун замоннинг ўзи талаб қилаётганини қайд этиш зарур.

Учинчидан, ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганини инобатга олишимиз ва шунга қараб сиёсат олиб бориш заруратини унутмаслигимиз керак.

Шу маънода, тақлиф этилаётган қонун лойиҳасидаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт қатолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодий таъминнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши муқаррар.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.

Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг сама-

Биобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб бурса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар парламент сайловлари ва маҳаллий сайловлар пайтида ўз дастурларини, сиёсий маслагини эълон қилган ҳолда, ўзаро курашиб, Олий Мажлисдан ва вилоят кенгашларидан тегишли ўринни эгаллаган ва Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини, маҳаллий кенгашларда эса депутатлар гуруҳларини ташкил этиш орқали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 2000 йиллардан бошлаб бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда демократик жараёнларни давом эттиришда, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бизнинг бу йўналишда эришган натижаларимиз юқорида зикр этилган мақсадларимизга бугунги кунда тўлиқ жавоб бераётганини ҳам ҳолисона тан олишимиз лозим.

Бундай ўта муҳим масалаларни хал қилиш зарурати ҳақида, сиёсий партияларимизнинг фаолияти ҳали-бери реал ҳаёт муаммоларидан узоқ бўлиб тургани ҳақида кўп қишларимизда илгари ҳам айтилган.

Ана шундай ҳолатларнинг ечимини топиш учун мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида янги-янги имкониятлар очиб бормоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фрак-

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги тақлифларнинг аҳамияти ва моҳияти, таъсири ва оқибатлари, бу ҳужжатлар ҳаётимизнинг демократик даражасини юксак босқичга кўтаришда янги қадам бўлиши ҳақида яна қўллаб-қўллаш зарурлиги келтирилган.

Албатта, ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш ўз йўли билан, энг муҳими, уни ҳаётга жорий этиш, одамлар онгига бу ўзгаришларнинг барчаси эл-юртимизга нима беришини ва ҳар қайси миздан нималарни талаб қилишини етказиш – бугунги кундаги асосий вазифамиздир, десак, ҳар томонлама тўри бўлади.

Бу дийр, бу бетакорор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушуна билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнини қатъият билан давом эттирсак – ҳеч шубҳасиз, марра бизники – Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қурамыз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Бундан бир йил олдин мана шу мухташам залда сиз, азизлар билан бирга 2006 йилни юртимизда “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилган эдик. Бундан кўзланган асосий мақсад – жамиятимизда муҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болалани ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, шифокорлик касбининг нуфузини ошириш бўйича олдинги йилларда бошланган ишларимизни изчил давом эттириш ва уларни янги, юксак босқичга кўтаришдан иборат эди.

Ҳаммамизга маълум, шу вазифаларни амалга ошириш учун “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” бўйича алоҳида давлат дастури ишлаб чиқилди ва йил давомида унинг ижроси назоратга олинди.

Маъзур дастурнинг бажарилиши шуни кўрсатадики, инсонларпарварлик ва меҳр-муруват руҳи билан йўрилган ва бутун мамлакатимизни қамраб олган бундай олижаноб ҳаракат юртимизда ҳеч кимни четда қолдирмади.

Дарҳақиқат, беминнат ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кам таъминланган тоифаларга қўмак бериш каби ҳалқимизга хос вазифалар ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Эл-юртимиз орасида қадимдан яшаб келаётган “Қўли очикнинг йўли очик”, “Бирни берганга мингни беради” деган чунқур маъноли мақоллар юқорида айтилган фикрни яққол тасдиқлайди.

Жорий йил мобайнида “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастури доирасида аҳоли учун янги иш ўринлари ташкил этиш, жумладан, қишлоқ жойларида қасанчилик ҳаракатиға кенг йўл очиб бериш, ўш шароитида чор-ва махсулотлари еттиштириш билан шуғулланаётган кишиларға меҳнат дафтариғаси очиш ва пенсия бадалларини жағбарби бориш имконияти яратилгани аниққса муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Дастурда белгиланган муҳтож оилаларға моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам қўллаб-қувватлаш амалға оширилди.

Хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар кўмағида юртимиздаги кўп болаллик, кам таъминланган оилаларға 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол олиб берилгани

мамлакатимизда саховат ва ҳимматликнинг яна бир ёркин намоёни бўлди, десак, ҳеч қандай ҳато бўлмайдик. Чунки бундай тадбирлар одамларнинг меҳнат билан шуғулланиши, авваламбор, оила аззоларини гўшт ва сут махсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, қўшимча даромад топиш имконини беришини англаш қўйин эмас.

Миллионлаб юртдошларимиз иштирок этган умумхалқ хайрия ҳаётларидан тушган маблағлар ҳисобидан 2 минг нафар ёлғиз кекса ва 66 минг кам таъминланган оиланинг 3 миллион 570 минг квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилгани ҳам шундай савобли ишлар жумласидандир.

Айни пайтда қарийб 23 минг нафар қаровсиз қария ва ногирон кишиларға ижтимоий хизмат кўрсатилгани, республикамиздаги барча “Саховат” ва “Муруват”, “Меҳрибонлик” уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларға ҳомийлар томонидан 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам берилганини бу борадаги муҳим ишлар сифатида қайд этиш лозим.

Шунингдек, жорий йилда кам таъминланган оилаларға мансуб саккизм 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси 16 миллиард сўмликдан зиёд кийим-бош билан таъминланди.

Мактабға илк бор қадам қўйган фарзандларимизни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш ишлари давом эттирилиб, 521 минг нафар болага қарийб 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға сифатида берилди.

Ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” жағфармаси ташаббуси билан, ҳоржий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, турма нуқсонлари мавжуд бўлган болаларни мурақабат жарроҳлик йўли билан даволаш ишлари амалға оширилди.

Дастур доирасида яна бир муҳим масала – ёш авлодни жисмонан соғлом ва барқамол этиб тарбиялаш бўйича қилинган қатор амалий ишлар ҳам эътиборға сазовор. Утган давр мобайнида жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишға топширилган, шулардан 18 таси янгитдан барпо этилгани, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция қилингани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, 237 минг нафар фарзандларимиз ёз мавсумида республикамизнинг соғломлаштириш масканларида кўнглили дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаб қайтганини ҳам қайд этиш даркор.

“Экспан” халқаро ташкилоти томонидан чет эллик ҳомийлар иштирокида Оролбўйи минтақасиға саломатлик поездлари ташкил этилиб, бу ерда яшаётган аҳолиға 1,2 миллиард сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилгани ҳам ана шундай амалий ишлар сирасиға киряди.

Йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларидан қарийб 30 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, нуруний отахон ва онахонлар, ногиронларнинг поётахимиздаги диққатга сазовор жойларға ҳамда Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Шахрисабз сингари қадимий шаҳарларимизға саяҳатлари амалға оширилди.

Ҳомийлик фаолиятининг қонуний қаролатилгани ва ижтимоий нуқтани назардан кенг эътироф этилишини таъминлаш мақсадида Олий Мағлис Қонунчилик палатаси томонидан “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Маъзур қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳомийлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг мавжуд шаклларини, Ўзе-

кстон ҳудудида ҳомийлик тузилмаларини ташкил этиш тартиби, уларнинг мақоми ва фаолият йўналишларини белгилаб бериш кўзда тутилган.

Азиз дўстлар, биродарлар! Шу борада кўнглимдаги бир фикрни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Ҳаммамиз яхши билемизки, бу дунёда узидан орттириб бировға бегарас, беминнат ёрдам кўрсатиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, хайри ишлар қилиш, очик айтиш керак, ҳамминанг ҳам қўйилган келавермайди. Минг шукрки, юртимизда халқимизға хос ана шундай азалий қадриятларни улуғлаб, уларни давом эттириб келаётган инсонлар қўллаб-топилади.

Бундай инсонларнинг қўлаётган эзгу ва саховатли ишларини эшитганда, “Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак” деган даъват минг-минглаб юртдошларимизнинг қалбида акс-садо бераётганлигини кўрганда одам беихтиёр тўқинилди кетади.

Қани энди, имкони бўлса ана шундай инсонларнинг ҳар бирини бағримға босиб, уларнинг барчасиға ўз номидан, “халқимиз номидан” чунқур миннатдорлик ихор этган бўлардим.

Лекин, бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, ижозатингиз билан ана шундай ватандошларимизнинг айрим вақиллари номларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Янги шаҳар” маҳалласи оқсоқоли Рихсидов Орипов кўпчилиқка бош-қош бўлиб, маҳаллани обод этиш, бу ерда болалар спорт майдончасини барпо этишға ҳомийлик қилган.

Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Ғайрат Пулатов эса йил давомида 50 та оилаға ҳомийлик ёрдами кўрсатган, шу билан бирға, кам таъминланган оилаларға 4 бoш ситир олиб берган.

Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясиға бағишлаган, табарруқ ёшға етган бўлишиға қарамасдан, Самарқанд вилоятида халқ таълимий соҳасида ҳамон фидойилик кўрсатиб келаётган Иброҳим Рауповнинг бевосита ташаббуси билан вилоятдаги болалар боғчалари, мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларига 15 миллион сўмдан ортқ ҳомийлик маблағи ажратилган.

Яна бир саховатли инсон – Тошкент шаҳар, Сирғали туманида истикомат қиладиган пенсиянер Суярқул Туробов эса ҳисобидан 1,7 миллион сўм маблағ сарфлаб, каровис этган жойини обод қилган, 4 мингдан зиёд кўчат экиб, кўркам хиёбон барпо этган.

Андижон вилояти, Кўргонтепа қишлоғида истикомат қиладиган ҳурмати меҳнат фахрийси Умирзо Холмирзаев эса қишлоқ мактабин ободонлаштириш, унинг атрофида боғ яратишға ўз маблағи ва меҳнати билан муносиб хисса қўшмоқда.

Яна бир нуруний отахон – Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида яшовчи Жаҳонгир Усмонов эса 8 миллион сўм маблағи ҳисобига болалар спорт майдончаси қуриб берган.

Новоий вилояти, Хатирчи туманидаги фермер ҳўжалиги раисини Салом ота Шойматов ҳақида алоҳида тўхташмоқчиман. Пири бадавлат, эл-юртға кўп хизматини сўнган 75 яшар бу муҳтарам оқсоқолимиз кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ҳудудидаги йўлни асфальт қилиш, қабристон атрофини ободонлаштириш, қишлоқ мактабин таъмирлаш ишларига жами 27,5 миллион сўм маблағ сарфлаган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги “Ҳумоюн” маҳал-

ласи фуқаролар йиғини раиси Зикрилла Эрматов ўз ҳисобидан 12,6 миллион сўм маблағ сарфлаб, минг тупдан ортқ кўчат экиб, 6 минг квадрат метрдан иборат хиёбон барпо этган, маҳалла чойхонасини ободонлаштиришға хисса қўшган.

Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов эса 75 гектар кўрқ ерни ўзлаштириб, 36 кишини иш билан таъминлаган. Олинган фойда ҳисобидан 5 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатган. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Барчамизға яхши аёнки, эл-юрт манфаати йўлида қилинган савобли ишлар ҳеч қанон беиз кетмайди. Бундай ишлар Яратганимизға ҳам, халқимизға ҳам хуш келади. Муқаддас Қуръон оятида “Яхшиликнинг муқофоти фақат яхшиликдир” деган сўзлар албатта бежиз айтилмаган.

Бундай бағрикенг, олийҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама кадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим, десам, ўйлаيمانки, сизлар ҳам бу фикрға қўшилиасиз.

Шу муносабат билан ўзининг эзгу ишлари билан ўрнат қўрсатган ана шу юртдошларимизни, уларнинг улуг ёшини инобатға олган ҳолда, ҳар бир муслмон учун орзу бўлган, қолаверса, фарз бўлган, яқин кунларда бошланадиган муқаддас Ҳаж эътирофи давлат ҳисобидан юборишға қарор қилдик. Бу қарор бошқаларға ҳам ибратли бир қадим бўлишиға ишонаман!

“Муҳтарам дўстлар!” “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да тиббий хизмат сифатини юксалтириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари меҳнатини жағбарлаш, нуфузини ошириш бўйича ҳам ана ишлар қилинганлигини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳоз ва мебельлар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм, яъни, ўтган йилдаги нисбатан таъминдан бир ярим баробар кўп маблағ ажратилгани, капитал таъмирлашға эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфлангани бажарилган ишлар қўламини яққол кўрсатиб турибди.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси, хирургия ва кардиология марказлари, Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида 60 ўринли даволаш бўлими капитал таъмирлангани ва бу ерда замонавий даволаш усуллари жорий қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Шу борада марказдан узоқ ҳудудларимизда бажарилган ишлар ҳам эътиборға сазовор. Хоразм вилоятида Республика ихтисослаштирилган урология марказининг филиали ташкил этилгани, Республика жарроҳлик маркази ва “Саломатлик” институтининг Нукус филиаллари, Жиззах вилоятида кардиология диспансери ва вилоят болалар шифохонаси, Қашқадарё вилоятида сил касалликлар диспансери, Сурхондарё вилоятида болалар шифохонаси капитал таъмирлангани, қўллаб олис шаҳар ва туманларда янги-янги касалхоналар, 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти барпо этилгани шулар жумласидандир.

Шу билан бирға, Фарғона вилоятининг Тошкент ва Бағдод туманлари, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри тиббий муассасалари зарур асбоб-ускуналар билан, Самарқанд вилоятидаги 310 та қишлоқ врачлик пункти эса керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Новоий вилоятида “Қизилқум-цемент” акциядорлик компания-

си профилакторийси капитал таъмирланиб, замонавий талаблар асосида жиҳозлангани ҳам беморларнинг оғирини енглил қилишда ўз ҳиссасини қўшади, албатта. Бундай мисолларни бошқа ҳудуд ва минтақаларимиздан ҳам қўллаб келтириш мумкин.

Маъзур йилда тиббий таълим тизимини кенгайтириш, соҳа ривожини унун маалаки мутахассислар тайёрлаш мақсадида Марғилон шаҳрида 360 ўқувчиға, Гулистон шаҳрида эса 540 ўқувчиға мўлжалланган тиббиёт касб-ҳунаро коллежлари ишга туширилгани алоҳида қайд этишимиз зарур.

Мамлакатимизда кейинги йилларда оналик ва болалани муҳофаза қилиш борасида қандай катта ишлар амалға оширилаётганидан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, ҳомилдорлик ва туғиш пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни чунқур тиббий кўриқдан ўтказиш, туғруқоналар, “Она ва бола” соғломлаштириш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби бундан 10-15 йил илгари олдимизда жиҳдий муаммо бўлиб турган масалалар бугунги кунда ўзининг ижобий ечимини топаётгани барчамизни сўзсиз қувваттиради.

Бу соҳада биз эришган натижа ва ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жағфармаси – ЮНИСЕФнинг Марказий ва Шарқий Европа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Калиева ноябрь ойида юртимизда бўлиб, Ўзбекистонда бу йўналишда урганса арзийдиган тажриба тупланганини алоҳида таъкидлагани бу фикрнинг исботидир.

Тиббиёт соҳасининг бутун юки ва оғирлигини ўз зиммасига олган шифокорларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасида амалға оширилган тадбирларимиз ҳам муҳим аҳамиятға эга экани шубҳасиз.

Соҳа ходимлари учун иш ҳақининг такомиллаштирилган тариф сеткаси жорий қилинди, шифокорлар меҳнатини рағбатлантиришининг янги ва самарали тизими шаклланди.

Натижада мамлакатимиздаги умумий ойлик иш ҳақини индексация қилиш даражасини ҳисобға оладиган бўлсак, уларнинг ўртача ойлик маоши тахминан 2,2 баробар ошди.

Шу борада ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича янги тузилган жағфарма тулақони фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу жағфарман шакллантиришға бюджетдан ажратилган маблағларнинг ўзи қарийб 23 миллиард сўмни ташкил этаётган ва шунинг ҳисобидан 100 минг нафардан зиёд тиббиёт ва фармацевтика ходимиға қўшимча иш ҳақи ва муқофот пули туланаётгани шифокорлар меҳнатини қўллаб-қувватлашда янги усул қанчалик самара бераётганини кўрсатиб турибди.

Айниқса, ҳавфли ва зарарли шароитда фаолият юритадиган тиббиёт муассасалари, қарантин ва ўта ҳавфли оқулми касалликлар муҳофазаси бўйича марказий лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, уларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитини яхшилашға қаратилган амалий ишларимиз эътиборға сазовордир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кўнини белгилаш тўғрисидаги қонун қабул қилингани ва бу сана 12 ноябрь кўни биринчи бор юртимизда кенг нишонлангани, шунингдек, Вазирлар

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Маҳкамасининг махсус қарори билан "Соғлиқни сақлаш аълочили" кўкрак нишонни таъсис этилгани шифокорлар хизмати ни холисона баҳолаш ва қадрлаш йўлида, ҳеч шубҳасиз, муҳим бир қадам бўлди.

Азиз юртдошлар!
Барчангиз яхши тушунасиз, қисқа бир чиқишда тиббиёт тармоғини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, бу соҳани янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш ўта мураккаб вазифа. Бу борада бажарилган ишларнинг қўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтсак, ўйламанки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижросининг ўзи қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағини сарфлашни талаб қилгани бир йил давомида қанчалик кенг қамровли ишларни бажарганимизнинг аққол далолати, десам, тўғри бўлади.

Ана шундай улкан ишларни амалга оширишда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар, савобталаб инсонлар билан бирга, халқаро гуманитар ташкилотларнинг ҳам муносиб хиссаси борлигини қайд этиш зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга рўхсат берайласиз.

Албатта, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"нинг яқини ва хулосалари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин мана шу олижаноб гоё ва ҳаракатли ҳаётимизда чукчур из қолдирган асосий фалсафасини мухтасар тарзда ифода этадиган бўлсак, кўпмиллатли юртимизда ҳеч ким ҳеч қачон давлатимиз ва жамиятимиз эътиборидан четда қолмаслигига бўлган ишонч, одамийлик, аҳуллиқ ва тотувлик муҳитининг янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қадрли ватандошлар!
Энди сизлар билан янги 2007 йилга қандай ном бериш, бу борада қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун устувор вазифа сифатида белгила олиш ҳақида атрафлича фикр алмашиб, маслаҳатлашиб оلسак, ўйламанки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳаммангизга маълум, биз 1997 йилдан бошлаб юртимизга кириб келаётган йилга ном бериш асосида, авваламбор, ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян ижтимоий масалани ечиш мақсадида куч ва имкониятларимизни сафарбар қилиб, катта-катта ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Қайси йилга қандай ном беришдан қатъи назар – бу оила ёки аёллар масаласи бўлади,

(Давоми.
Боши 1-2-бетларда).

соғлом авлод тарбияси, маҳаллаларимизни обод қилиш ёки қарияларни қадрлаш бўлади, оналик ва болалиқни муҳофаза этиш ёки жамиятимизда меҳр-мурувват, инсонпарварлик руҳини кучайтириш бўлади – буларнинг барчасини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларини эътиборимиз марказига қўйиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишларимиз мисолида аққол намоеъ бўлмоқда.

Лунда қилиб айтганда, қарийб ўн йил давомида эълон қилинган йилларнинг барчаси ўзининг маъно-мазмуну ва аҳамиятига кўра ўзаро чамбарчас боғланиб, мантқан бир-бирини тўлдириб, айнан аҳолимиз манфаатларини таъминлашдек мақсадга хизмат қилиб келаётганини кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Шу билан бирга, йилларга ном бериш аънанасини давом эттирар эканмиз ва шунга бағишлаб амалга оширилган ишларимизни кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, бир масалага фикрингизни жалб этмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида маълум бир ном берилган ҳар қайси йил ўзида мужассам этган маъно-мазмуну, ўз олдига қўйган мақсадлари, долзарблиги ва аҳамияти билан ҳаётимизда мавжуд бўлган муаммоларни ечишда бир йиллик мuddат билан чегараланиб қолмайд.

Мисол учун, 2004 йилни "Меҳр-мурувват", 2005 йилни "Сихат-саломатлик", жорий йилимизни эса "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили деб аташдан кўзда тутилган мақсадларни чукчур аниқлаб, инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан аёнки, амалга оширган тадбир ва ишларимизнинг хали қанча-қанча давоми, шу борада ўз ечимини кўтаётган қанча-қанча муаммолар бор.

Шуларнинг барчасини, энг аввало, халқимизнинг қайфияти ва эҳтиёжини, орзу ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, руҳсатингиз билан, мен кириб келаётган янги – 2007 йилни юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Азиз дўстлар!
Ҳаммангизга маълумки, ўзбек модели деган ном билан бугун дунёда тан олинган мустақил таъриқли йўлимизнинг негизда турган беш тамойилдан бири – айнан кучли ижтимоий сивас олиб бориш масаласи ҳам туради.

Ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиваси ҳақида, бу борада қандай қарорлар қабул қилингани ва қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида, ўйламанки, барчангиз яхши хабардорсиз.

Энг аввало, бозор иқтисодиё-

ти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кескин салбий таъсир кўрсатадиган оғир оқибатларни имкон қадар қамайтириш, ижтимоий муҳофазага биринчи гада муҳтож бўлган аҳоли тоифалари – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилган ишларимизни таъкидлаш жоиз.

Яқинда тасдиқланган 2007 йилнинг давлат бюджетиде бу йўналиш бўйича, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратилган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган.

Қисқа қилиб айтганда, давлат бюджетимизнинг социял соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу фурсатки келгуси йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса 2007 йил бюджетиде 7 фоизни ташкил этмоқда.

Шулар каторида бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинади.

Жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлиши, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла идораси бу масалада алоҳида ўрин тутиши ҳақида гапириш ортиқча.

Кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан бами-соли кўприкдек боғлаб турадиган бўлиб тизим мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза сивасини амалга ошириш йўлида қўшаётган улкан хиссаси билан халқимиз назарида катта орол қозонаётгани бежиз эмас, албатта.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама мустахкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва а умалда ўзини оқламоқда.

Аммо бундай ўта муҳим йўналишда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, хали ечилмаган масалалар, бартараф этиш зарур бўлган қўлгина муаммолар борлигини ҳам тан олишимиз лозим.

Бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сивасимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қўнуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишларни ҳаётимизнинг ўзи такозо этмоқда.

Бу ўринда гап ана шу асос ва нормаларни замон талабларига мос равишда аниқ-равшан белгилаб қўйиш, мавжуд қўнунчилик

базасини қайта қўриб чиқиш ва амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш зарурати, бугун мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибимизга қўйиш ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.

Бу борада амал қилаётган нормаларни нафақат янада чукчурлаштириш, балки давлат ва жамиятимиз томонидан берилётган ёрдам миқдорларини имкон даражасида ошириш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирларни жорий қилиш зарур.

Олдимизда турган яна бир долзарб вазифа – биринчи гада, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб туғилишига алоҳида аҳамият қаратиш. "Соғлом она – соғлом бола" деган шior остида катта эътибор билан бошлаган ҳаракатимизни давом эттириш ва унга том маънода янги туртки бериш, бу муаммага замонавий кўз билан қараш ва етарли даражада маблағ ажратиб масалаларни доимий диққат марказимизда туриши даркор.

Нега деганда, очик айтадиган бўлсак, аслида бизни қийнайдиган қўлгина ҳаётий муаммоларимиз худди шу масалага эътиборсизлигимиздан бошланади.

Айни вақтда, барча "Меҳрибонлик йиллари" ва махсус мактаб-интернатларнинг ижтимоий аҳолини ва моддий-техник базасини танқидий қўриб чиқиш, шу асосда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, етим-есир, қаровчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, мухтасар айтганда, "Сен ёлғиз эмассан" деган шiorни жамиятимиз ҳаётига чинаямига жорий этиш гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи ҳам кун тартибидан асосий ўрин эгаллашни керак.

Ана шундай ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар – бевосита "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" йилларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз зарур.

Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил қиладиган ёшларимиз-

нинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш – бу уларнинг замонавий таълим ва тарбия олиши, зарур касб-ҳунарларни эгаллаш бўлади, иш ўрнига эга бўлиши, ўз қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариши учун имконият яратиш бўлади, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оёққа туришида кўмак бериш бўлади – бу масалаларнинг барчаси биз учун энг муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолаверад.

Табиики, "Ижтимоий ҳимоя йили"да эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўғитлари билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам факхрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечириши учун шароит яратиш бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз.

Ўз-ўзидан равшанлик, ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликки, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айлиши даркор.

Айнан мана шундай қараш ва ёндашув "Ижтимоий ҳимоя йили" бўйича ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган давлат дастурининг асосий гоёси ва маъно-моҳиятини белгилаб бериши зарур.

Бу дастурни тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчиликимиз ўзларининг амалий таклифлари, фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишига ишонаман.

Чунки ҳаммамиз яхши тушунамиз, 2007 йилга "Ижтимоий ҳимоя йили" деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуну ва пировазд натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлиши тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилад.

Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор ўзининг чукчур ҳурмат ва эътиромини билдиришга рўхсат берайласиз.

Жамиятимизни янгилаш, ҳаётимизни ҳеч қимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш йўлида бундан ўн беш йил олдин бошланган ишларимизда халқимизга Оллоҳнинг ўзи қўлқувват берсин, ўзи мададкор бўлсин.

Амалга оширадиган эзгу ишларимизнинг самараси ва ҳосилидан баҳраманд бўлиш барчамизга насиб этсин.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлигини, тинчлигини ва осойишталигини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Аънамага кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида фан-таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳга Ватанимизнинг юксак мунособи фахрий унвонлар, орден ва медаллар топирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқиб, фан-таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилган муваффақиятли ишлар, кўлга киритилган ютуқлар ҳамда изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар тўғрисида сўз юритиб, бу жараёнда ўзининг мунособи хиссасини қўшган фидойи инсонлар меҳнатини эътироф этишди.

Тадбир давомида тақдирлан-

ган юртдошларимизга ушбу юксак мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов топирибди.

Тадбир сўнггида сўзга чиққан мукофот эгалари Юртбошимизнинг соҳа мутахассислари меҳнатига бўлган ҳамқўрлиги ва эътибори учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Ибодат СОАТОВА.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

2006 йил 9 декабрь

Тошкент шаҳри

№ 548

2007 йил докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртли ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий текшириш институти, илмий текширилган илмий ва илмий марказларда фаннинг долзарб йўналишлари бўйича олий малакали илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли «Илм-фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан аспирантура ва докторантура орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Олий ўқув юртли ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда илмий текширилган илмий ва илмий марказларда 2007 йил докторантура ва аспирантурага қабул режасини 1-иловага мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Фан ва ўқув юртли Бош бошқармаси (Ш. Атаханов) докторантура, аспирантура қабули бўйича эълонни «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасида ташкил этсин.

2. Олий ўқув юртли ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий текшириш институти, илмий текширилган ил-

мий ва илмий марказлар раҳбарларига:

2.1. Докторантура ва аспирантура қабулини 2007 йил учун тасдиқланган режа (1-илова) асосида амалга ошириш таъминлансин.

2.2. Танловда иштирок этувчилар ҳужжатлари жорий йилнинг 12 декабридан 19 декабригача қабул қилинсин. Имтиҳонлар жорий йилнинг 20 декабридан 2007 йилнинг 5 январигача ўтказилсин.

2.3. Аспирантурага мутахассисликлар бўйича ушбу йўналишдаги мутахассислар қабул қилинсин:

- магистратурани тугатганлар;

- 1998 йилгача институти тугатган, мутахассислиги бўйича интернатура ўтган ва ушбу мутахассислиги бўйича интернатура-

дан кейин камида икки йил иш стажига эга бўлганлар;

- 1998 йилдан 2003 йилгача (2003 йил бундан мустасно) тиббиёт олий ўқув юртлирини таъминлаб, клиник ординатурани тугатганлар;

- фармацевтика йўналишидан мутахассис дипломи ва мутахассислиги бўйича камида 2 йил иш стажига эга бўлганлар.

3. Олий ўқув юртли ва уларнинг филиалларида мақсадли аспирантура ва докторантура ўринларига қабул 2-иловага мувофиқ кўрсатилган олий ўқув юртлирида амалга оширилсин.

4. Аспирантура ва докторантурада 2007 йил қабули бўйича ўқув жараёни 2007 йилнинг 10 январидан бошлансин.

5. Иқтисодий ва маблағ билан таъминлаш Бош бошқармасига (Б. Хашимов):

Олий ўқув юртли, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий текширилган илмий марказлардаги докторант ва аспирантларнинг ўқув жараёни 2007-2010 йилларда белгиланган тартибда молиялаштириш таъминлансин.

6. Докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режасининг бажарилиш ҳисоботи илова қилинаётган шакллар бўйича 2007 йилнинг 6 январигача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртли Бош бошқармасига топширилсин.

Ушбу буйруқнинг бажарилиш назоратини вазир ўринбосари Н. Шароповга юклайман.

Вазир **Ф. НАЗИРОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 9 декабрдаги 548-сонли буйруғига 1-илова

2007 йилда олий ўқув юртли ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий текширилган илмий ва илмий марказларда докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режаси

Мутахассисликлар шифри ва номи	Аспирантура	Докторантура
Олий ўқув юртли бўйича жами	92 (15*)	9
Тошкент тиббиёт академияси	35	5
14.00.01 акушерлик ва гинекология	2	1
14.00.04 кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	2	
14.00.05 ички касалликлар	3	1
14.00.06 кардиология	2	
14.00.07 гигиена	1	
14.00.10 юқумли касалликлар	2	
14.00.13 асаб касалликлари	4	1
14.00.14 онкология	2	
14.00.15 патологик анатомия	1	
14.00.19 клиник радиология	1	
14.00.21 стоматология	3	2
14.00.22 травматология ва ортопедия	1	
14.00.25 фармакология	1	
14.00.26 фтизиатрия	2	
14.00.27 хирургия	2	
14.00.29 гематология ва қон қуйиш	1	
14.00.28 нейрохирургия	1	
14.00.33 ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш	2	
14.00.40 урология	1	
14.00.42 клиник фармакология	1	
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти	7	2
14.00.09 педиатрия	2	1
14.00.10 юқумли касалликлар	1	
14.00.11 тери ва таносил касалликлари	1	
14.00.13 асаб касалликлари	2	
14.00.24 суд тиббиёти	1	
14.00.35 болалар хирургияси	1	1
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	9	1
14.00.05 ички касалликлар	1	
14.00.08 кўз касалликлари	1	
14.00.13 асаб касалликлари	1	1
14.00.14 онкология	1	
14.00.18 психиатрия	1	
14.00.21 стоматология	1	
14.00.29 гематология ва қон қуйиш	1	
14.00.37 анестезиология ва реаниматология	1	
14.00.43 пульмонология	1	
Тошкент Фармацевтика институти	6	
15.00.01 дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш	3	
15.00.02 фармацевтик кимё ва фармакогнозия	3	
Самарқанд Давлат тиббиёт институти	10 (1*)	
14.00.01 акушерлик ва гинекология	2 (1*)	
14.00.04 кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	1	
14.00.05 ички касалликлар	1	
14.00.08 кўз касалликлари	1	
14.00.09 педиатрия	1	
14.00.13 асаб касалликлари	1	
14.00.22 травматология ва ортопедия	1	
14.00.27 хирургия	1	
14.00.35 болалар хирургияси	1	
Анджон Давлат тиббиёт институти	9	1
14.00.02 одам анатомияси	1	
14.00.05 ички касалликлар	1	
14.00.09 педиатрия	2	
14.00.18 психиатрия	1	

14.00.22 травматология ва ортопедия	2	
14.00.27 хирургия	1	1
14.00.28 нейрохирургия	1	
Бухоро тиббиёт институти	10 (8*)	
14.00.01 акушерлик ва гинекология	2*	
14.00.05 ички касалликлар	1	
14.00.14 онкология	2*	
14.00.18 психиатрия	1*	
14.00.21 стоматология	2*	
14.00.27 хирургия	1	
14.00.37 анестезиология ва реаниматология		1*
Тошкент тиббиёт академияси (ТТА)нинг Урганч филиали		4*
14.00.04 кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари		1*
14.00.22 травматология ва ортопедия		1*
14.00.27 хирургия		1*
14.00.35 болалар хирургияси		1*
ТошПТИнинг Нукус филиали		2*
14.00.09 педиатрия		1*
14.00.29 гематология ва қон қуйиш		1*
ИТИлар, ихтисослаштирилган илмий ва илмий марказлар бўйича Педиатрия ИТИ		34
14.00.09 педиатрия	2	1
Травматология ва ортопедия ИТИ		
14.00.22 травматология ва ортопедия	2	
Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ		
14.00.10 юқумли касалликлар	1	
14.00.30 эпидемиология	1	
Тиббий реабилитация ва терапия ИТИ		
14.00.34 курортология ва физиотерапия	1	
Фтизиатрия ва пульмонология ИТИ		
14.00.26 фтизиатрия	1	1
14.00.43 пульмонология	1	1
Акушерлик ва гинекология ИТИ		
14.00.01 акушерлик ва гинекология	2	1
Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ		
14.00.07 гигиена	1	
Гематология ва қон қуйиш ИТИ		
14.00.29 гематология ва қон қуйиш	2	
Дерматология ва венерология ИТИ		
14.00.11 тери ва таносил касалликлари	2	
Эндокринология ИТИ		
14.00.03 эндокринология	2	
Вирусология ИТИ		
14.00.10 юқумли касалликлар	1	
Академик В. Воҳидов номи Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази		
14.00.27 хирургия	1	
14.00.44 юрак ва қон-томир хирургияси	1	
Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази		
14.00.06 кардиология	4	
РШТЭИМ		
14.00.06 кардиология	1	
14.00.15 патологик анатомия	1	
14.00.19 клиник радиология	1	
14.00.20 токсикология	1	
14.00.27 хирургия	1	1
14.00.28 нейрохирургия	1	
14.00.44 юрак ва қон-томир хирургияси	1	
Республика онкология илмий маркази		
14.00.14 онкология	1	1
14.00.19 клиник радиология	1	
ЖАМИ	126 (15*)	15

Изоҳ: * шу жумладан мақсадли ўринлар.

(Давоми 8-бетда).




Ўзбекистон
Республикаси



Халқаро тараққиёт
уюшмаси



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни Яхшилаш
Глобал Альянси

2006 й
№ 9

«Саломатлик — 2»

«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» пойиҳалари

«Health — 2»

«Women and Child Health Development,
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье — 2»

«Укрепление здоровья женщин и детей»

и «Национальная программа по фортификации муки»



КАМЧИЛИКЛАРДАН КЎЗ ЮМИБ БЎЛМАЙДИ...

Хабарингиз борки, тахририят кўп йиллардан буйн «Саломатлик-1 ва 2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари асосида фаолият олиб бораёпти. Шу кунгача лойиҳа асосида газетада чоп этилган мақолаларда ижобий ишлар тилга олинди, муаммо ва камчиликлар оз бўлсада ўз аксини топган эди.

Жорий йилда тахририят ходимлари хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий,

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида бўлиб, лойиҳа асосида амалга оширилган ишлар билан танишиб, йўлга қўйилган фаолиятлар хусусида материаллар тайёрлаб кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилдилар. Бундан кўзланган асосий мақсад, республика тиббиёт тизимида бирламчи бўғинни янада шакллантириш, аҳоли манфаатларини яхшилаш, сифатли тиббий хизмат даражасини оширишдан иборатдир.

Хўш, бу борада сарф қилинаётган харажатлар, иж-

тимоий кўмаклар, кўрсатилган ҳар қандай беғараз ёрдамлар бугун қанчалик аҳамиятга эга бўлаётганлиги ва улардан унумли фойдаланган ҳолда ҳаракатлар бесамак кетмаётганлигига ишончимиз комил, деб айта оламизми? Агар йил сарҳисобига кўра, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳамма жойда имкониятлар бир хил ёки ижобий фаолиятлар тўлиқ даражада мавжуд деб, айта олмаيمиз.

Зеро, юқорида тилга олинган вилоятларда бирламчи бўғинга бўлган эъти-

борни юз фоиз яхши дея олмасакда, лекин маълум даражада муваффақиятли ишлар амалга оширилганлиги беvosита жараёнларда учратдик.


Кўни кеча хизмат сафари билан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, лойиҳа асосида амалга оширилган фаолиятлар тизими билан танишиб қайтдик. Жараёнларни кўздан кечирар эканмиз, амалдаги ишларнинг кўнгилдагидек эмаслиги, бироз бўлсада кўнгилмизни ранжитди. Лекин халқимизнинг: «Беш қўл баро-

бар эмас», деган нақлига амал қиладиган бўлсак, айрим қишлоқ врачлик пунктлари ва туғруқ мажмуаларида фаолиятлар аҳоли манфаатларига маълум даражада яқин бораётганлигининг шохиди бўлди. Демак, бугунги хизмат сафаридаги фаолиятлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг бирламчи бўғини ва туғруқ мажмуаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда айрим муаммо ва камчиликларга бағишланади.

Сурхондарё вилояти

ХАЛҚНИНГ ХОЛИС МАДАДҚОРЛАРИ

Термиз тумани



Жолмурод ЁРМАТОВ,
«Тоҳирбек

Мусурмонкулов» фермер
хўжалиги раиси.

— Инсонда шундай бир ҳис-туйғу бўладики, ундаги куч, интилиш замирида эзгулик ётади. Шундай экан, жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб номланиши ўзбекистонлик ҳар бир фуқаро қалбига ўзгача ғурур, меҳр-саховат ва олиҳимматли каби фазилатларни уйғотди.

Мен «Дўстлик» ширкат хўжалигининг раиси сифатида, 15 йил давомида фаолият юритиб келдим. Уша пайтлардаги ниятим мазкур «Сабзипоя» қишлоқ врачлик пунктини ташкил этиш эди. Лекин ҳудуддаги аҳоли шароитини ҳисобга олган ҳолда, ушбу

Биз жорий йилнинг 29 октябрь кўни ишга тушган янги II типдаги «Сабзипоя» қишлоқ врачлик пунктига кечки соат тўртлар атрофида кириб бордик. Ҳақиқатда ҳам ушбу КВП бугунги кун талаблари даражасида қад кўтарган маскан бўлиб, хоналари ёруғ ва шинам, шунингдек, хомий ташкилотлар томонидан тортик қилинган қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар ҳамда Термиз туман марказий шифохонаси орқали берилган тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги мақсадли вазибаларга

йўналтирилганлиги эътиборимизни ўзига тортди. Айниқса, ёш, изланувчан қишлоқ врачлик пункти мудирини, умумий амалиёт шифокорини, ўғилдоғ Махмудованинг ўз касбига бўлган меҳрини ҳамда ўша ҳудуддаги аҳолининг саломатлигига бўлган эътиборини унинг фикрларидан англаб олиш қийин эмас эди. Шунингдек, мазкур тиббиёт масканига ҳимматли хомийлар томонидан беғараз ёрдам кўрсатилганлиги ҳодимлар ва аҳоли томонидан эътироф этилди.

тиббиёт маскани ўрнига туман марказидан 70 километр узоқликдаги аҳолига «Гулбаҳор» қишлоқ врачлик пунктини қуриб, фойдаланишга топширишда ўз ҳиссамни қўшдим.

Айни кунда фермер хўжалигида фаолият юритар эканман, юрагимда армон бўлиб қолган «Сабзипоя» қишлоқ врачлик пунктини янгидан қуришни ният қилган эдим. Мақсадларим ижобат бўлиб, кўпгина хомий ташкилотлар билан биргаликда мазкур тиббиёт масканини жорий йилда ишга туширишга муваффақ бўлдик. Унда албатта, вилоят, туман ҳокимликларининг кўрсатган ёрдамлари ишларимизга янада унум берди, де-

сам хато бўлмади.

Шунингдек, «Фидокор» МЧЖ раҳбари Жўра Раҳимов бошчилигидаги ходимларнинг сайёҳаракатлари ҳамда 96 миллион сўмлик маблағлари билан қишлоқ врачлик пункти замон талаблари даражасида қурилди. Шу билан бирга, маскандagi ходимларнинг ишлашлари учун яратилган шароит ва имкониятларнинг мавжудлигида «Дўстлик» ширкат хўжалиги раиси Н. Очилдиев, Сурхон воҳаси фермер хўжалиги раиси Р. Маматкулова, Сурхондарё вилояти мусулмонлар диний идораси имом-хатиби Алиакбар Сайфиддинов ва «Паттақесар» фуқаролар йиғини раиси Х. Навиловларнинг ҳиссалари бениҳоя



катта бўлди. Қишлоқ врачлик пунктига мурожаат қилиб келган беморлар учун ҳам муҳайё этилган шарт-шароитлар бошқа имкониятлардан кам эмас.

Эндиликда мақсад ўша ҳудудда яшаб турган аҳолининг саломатлигига бўлган эътиборни кучайтиришдан иборатдир. Бундан кейинги асосий вазифа ушбу масканда иш олиб бораётган кадрлар фаолиятига келиб боғланади. Қишлоқ врачлик пункти мудирини ўғилдоғ Махмудовани ниҳоятда талабчан, ўз касбига нисбатан изланувчан ва қўлидан келганча ҳар бир хаста кўнгил дардига малҳам бўлувчи мутахассис сифатида биланам. Уйлайманки, кўрсатилган хомийлик туфайли му-

ассасада аҳвол тўлалигича яхшиланди, демоқчи эмасман, балки келгусида қилинган шарт-шароитлар бошқа имкониятлардан кам эмас. Эндиликда мақсад ўша ҳудудда яшаб турган аҳолининг саломатлигига бўлган эътиборни кучайтиришдан иборатдир. Бундан кейинги асосий вазифа ушбу масканда иш олиб бораётган кадрлар фаолиятига келиб боғланади. Қишлоқ врачлик пункти мудирини ўғилдоғ Махмудовани ниҳоятда талабчан, ўз касбига нисбатан изланувчан ва қўлидан келганча ҳар бир хаста кўнгил дардига малҳам бўлувчи мутахассис сифатида биланам. Уйлайманки, кўрсатилган хомийлик туфайли му-

Узбекистон Республикаси
Халқаро Тарғабит
ADB
2006 № 9
gain
Стоматология
Глобал Америка

«Саломатлик – 2»
«Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» пойтахтлари


«Health – 2»
Women and Child Health Development,
and National Flour fortification program. Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по fortификации муки»



Ўғилой МАХМУДОВА,
«Сабзипоя» қишлоқ
врачлик пункти
мудир.

– Мана бир ярим ойдири, қишлоқ врачлик пунктида фаолиятни бошладик. Лекин ишларимиз ҳали у даражада ўз йўлини толгани йўқ. Бунинг учун аввало, ходимлар ва беморлар учун бор имконият ҳамда шароитларни яратиш, кадрлар масаласига эътибор бериш, шунингдек, маскани керакли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича юридик мақомга эга бўлгандан сўнг, моддий-техник базани

шакллантириш муҳим ҳисобланади. Бундай мақсадли ишларни амалга ошириш учун бизга шижоат, ҳаракат ва вақт асосий омил бўлиб хизмат қилиши керак. Янги II типдаги ҚВПнинг ташқи ва ички кўришилари талаб даражасига жавоб берсада, ундаги тиббий асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, муассасанинг кузги-қишк мавсумга ҳали тайёр эмаслиги шижоат ҳамда жонқуярлик билан ишлашимизни талаб этмоқда. Худудимизда 2209 нафар аҳоли мавжуд бўлиб, уларга 1 нафар шифокор, 7 нафар ҳамшира, 2 нафар кичик тиббиёт ходими тиббий хизмат кўрсатишни бошлаб



Абдулла САМАТОВ,
Алишер Навоий қишлоқ
врачлик пункти
мудир.

– Қишлоқ врачлик пунктида 2003 йилда ўшбу мақомга эга бўлиб, унинг ҳудудида 18485 нафар аҳоли истиқомат қилади. 6 нафар шифокор, улардан уч нафари умумий амалиёт врачлари ва 44 нафар ҳамшира худуддагиларга тиббий хизмат кўрсатишади. Аҳоли сон катта бўлганига сабабли ходимларимиз ўз ишларига жиддий ёндошган ҳолда фаолият олиб борадилар. Айниқса, 44 нафар ҳамширамизнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли аҳоли орасида турли хилдаги касалликларнинг олди олиниб, кўсаткичлар ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Шунингдек, тарғибот ва ташвиқот ишларининг самараси халқнинг тиббий саводхонлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Тиббиёт муассасамизнинг шароит ва имкониятларига келадиган бўлсак, беморлар учун

барча шароитлар мавжуд. Хафтанинг ҳар чоршанба кuni «Камқонлик кuni» деб белгиланган бўлиб, ҳамширалар ўзларига бириктирилган хонадонларга феросульфат препаратини фуқароларнинг ёшига қараб тарқатиб чиқадилар. Худудимизда бир қанча ташкилотларнинг борлиги сабаб, уларни ҳам режа бўйича тез-тез тиббий кўриқдан ўтказиб тураемиз. Кадрлар масаласига келадиган бўлсак, ҳамшира ва лаборантларнинг маънасини ошириш мақсадида уларни туман ва вилоят миқёсида ташкил этилган ўқув курсларида ўқитиб, малакасини оширяемиз. Кейинги пайтларда камқонлик, бўқоқ, сурункали буйрак, юрак қон-томир касалликларининг тез-тез учраб туриши ҳар қандай мутахассисни ташвишга солгани каби бизни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Бунинг учун муассасамизда турли касалликларга оид бурчаклар ташкил этилган бўлиб, тажрибали шифокор ва ҳамшираларимиз мурожаат этувчиларга маънавият берадилар. Ундан

ШИЖОАТ ВА ҲАРАКАТГА ТАЯНИБ

юборган. 2007 йилда «Саломатлик-2» лойиҳасидан келтирилганди жиҳозлар муассасамиздан тўлиқ ўрнини топиши керак, деб ўйлайман.

Айтмоқчиманки, «Тоҳирбек Мусурмонкулов» фермер хўжалигининг раиси Жолмурод Ерматовнинг сўй-ҳаракатлари билан бир қанча ҳомий ташкилотларнинг муассасамизга берган беғараз ёрдамлари туфайли аҳоли соғлиғи учун хизмат қила оладиган тиббиёт муассасасининг бунёд этилганлигини эътироф этган ҳолда ходимлар билан биргаликда ниҳоятда кўп ишлар қилишимиз кераклигини дилдан ҳис этиб турибман.

Демак, қишлоқ врачлик пунктида кўрсатилаётган тиббий хизматдан аҳолининг оқилона фойдалана олишини ва уларнинг тиббий саводхонлигини ошириши ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ўз касбимиз ва фаолиятимизга нисбатан лоқайд бўлмаслигимиз муҳим, деб биламан.



«Сабзипоя» қишлоқ врачлик пункти мудириси Ўғилой Маҳмудованинг жонқуярлик билан айтган гаплари бугун эмас, балки кейинчалик ўз ифодасини топиши керак. Бунинг учун бир ёки икки йил кифога эмас, асосий ҳаракат йиллар мобайнида амалга оширилаётган ишларнинг самарасидир.

Мазкур ҚВП тўғрисида ҳозирча очик гапларни айтишнинг мавриди эмас. Чунки, ўшбу маскан кuni кеча фаолият бошлади. Лекин бизга у ерда иш бошлаган ёш раҳбарнинг ташаббускорлиги-ю, тиббий масканининг мўъжазлиги эртанги кун истиқболга ишонч билан кўйилган қадамдек туюлди.

Жарқўрғон тумани

ИМКОНИЯТЛАР ЗАМИРИДА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ

Гулсара
ШОЙИМАРДОНОВА, доя.


– 30 йилдан буён доя бўлиб ишлайман. Шу йиллар мобайнида касбим ниҳоятда масъулият эканлигини бир неча бор ҳис қилдим. Одамдан одам дунёга келади. Бу албатта, оддий ибора эмас. Она бўлиш қанчалик катта бахт, лекин тугиладиган фарзанд ва онанинг соғлиғи юқоридаги иборада нечоғлик чуқур моҳият касф этишига иш жараёнларимда гувоҳ бўлиб келяпман. Бундан бир неча йил аввал ҳомиладор тураётган ўз соғлиқлари ва тугилажак фарзандлари учун у даражада масъулият сезмас эдилар. Эндликда эса тарғибот ва ташвиқот ишларининг кучайганлиги са-

бабли, ҳомиладор аёллар тез-тез акушер-гинеколог кўригидан ўтиб, керакли маслаҳат ва тавсияларни оладилар. Аввало, ҳар бир мутахассис қачонки тушунтириш ишларини тўғри олиб бораганига ҳомиладор аёлнинг саломатлиғига бўлган эътибори ва ҳомиласининг тарбиясига муносабати ижобий томонга ўзгаради. Айни кунларда олиб борадиган аёлларга берилаётган имтиёزلарга оила аъзолари ҳам беъэтибор бўлганлари йўқ. Жумладан, турмуш ўртоғи, қайнона ва қайноналарнинг тиббий маданиятга эга эканликлари ҳомиладор аёлнинг қийналмай туғишида муҳим ўрин тутмоқда.

Дил изҳори

– Биз оила аъзоларимиз билан қишлоқ врачлик пункти ходимларидан жуда миннатдоримиз. Уларнинг меҳнатларини қанчалик эъзозласак арзийди. Ёз дейсизми ёки қиш, қандай ҳолат бўлмасин, улар оилаларда бўлишиб, ҳолимиздан доимо хабар олишади. Агар бетеб бўлиб қолсак, дарҳол шифо масканига мурожаат қилаемиз. Муолажа қилмай туриб, уларнинг илқ муомаласи ва меҳрибонлигидан дардимиз енгиллашгандек бўлади. Ана шундай самимий, дилқаш тиббиёт ходимларига доимо соғлиқ тилаймиз.

Зиёда ЮСУПОВА,
Қорабуро маҳалласи,
уй бекаси.



СЎНГСЎЗ ЎРНИДА...

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги бирламчи бўғинда олиб борилаётган фаолиятлар билан қисман танишган бўлсакда, керакли хулосаларга эга бўлдик. Биз илк бор таширф бу юрган Термиз тумани «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти фаолиятдан кўнглимиз тўлмади. Чунки, у ерда беморлар учун етарли шароит ва имкониятлар мавжуд эмас. Жумладан, бино товларида оқаётган чаккилар, хоналарда иссиқлик ва электр таъминотининг етишмаслиги ҳамда беморлар

қатновининг сустиги, шунингдек, кадрларнинг ўз касбларига нисбатан эътиборсизликлари диққатимизни жалб этмасдан қолмади. Нега бундай ҳолат юзага келди, деган ўринли савол тугилади? Бу саволга жавобни умумий тарзда фикримизнинг яқуловчи қисмида айтишни лозим топдик. Жарқўрғон тумани Исмоилтепа қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда мазкур тиббиёт масканида нафақат ҚВП мудир ва хўжалик бекасини, балки биргина бемор она-болани

учратдик, холос. У ерда 6 нафар ҳамшира ва 1 нафар шифокор 2549 нафар аҳолига хизмат кўрсатишар экан. Ажабланган томонимиз шу бўлдики, айни иш вақти бўлишига қарамай, беморлар қатнови кам ва бирорта ҳам ҳамшира ўз ўрнида йўқ. ҚВП мудирининг айтишига қараганда ҳафтанинг чоршанба кuni «Камқонлик кuni» деб эълон қилинганлиги учун ҳамширалар аҳолига керакли препаратларни тарқатишга чиқиб кетишар экан... Қумқўрғон тумани «Тактугай» ҚВПсида бўлганимизда муро-

жаат қилиб келган беморларнинг борлигидан хурсанд бўлдик, лекин у ердаги айрим шароитлар ва ишларнинг бир маромда олиб борилаётганлиги бизни анчагина ташвишга солди. Шунингдек, кадрлар масаласи ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Мазкур 2 та ҳамда юқорида тилга олинган 2 та қишлоқ врачлик пунктларининг умумий фаолиятга хулоса ясайдиган бўлсак, фаолиятлар тўхтаб қолгани йўқ, имкониятлар ҳам мавжуд, лекин айрим раҳбарларнинг ўз бурчларига эъти-

борсизликлари туфайли ишлар «хўжақўрсин»га қилинаётгандек, гўё. Масаланинг яна бир томони, юқоридаги тиббиёт муассасаларида электр ва иссиқлик таъминотининг бир мезърда ишласлиги нафақат бемор, балки тиббиёт ходимлари соғлиғи ва фаолиятга жиддий зарар етказиши табиий. Кўрсатиб ўтилган камчиликлар аста-секинлик билан ўз ечимини топиши мумкин. Аммо, бунинг учун мавжуд имкониятларга бефарқ бўлмасдан, биргаликда иш олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қашқадарё вилояти



Холмат ОМОНОВ,
Тўракул кишлоқ врачлик
пункти мудири.

– Аввало, ҳар бир мутахассис ўз ишидан завқланиб меҳнат қилиши керак. Ана шундагина у ўз касбининг масъулиятли, шарафли ва машаққатли томонларини англаб етади. Шифо масканимизда ўз касбига садоқатли, жонкуяр, фидойи шифокор ва ҳамширалар ҳамда кичик тиббиёт ходимлари меҳнат қилаётганлигидан фахрланаман. Чунки, улар ҳудудда истиқомат қилаётган 6100 нафар аҳолига 2005 йил март ойдан буён беминнат хизмат кўрсатиб келишмоқда. Айниқса, фаолиятдаги ҳамширалар меҳнатини алоҳида эътироф этмоқчиман. Чунки, уларнинг уйма-уй юриб, аҳоли билан яқиндан мулоқотда бўлганликлари сабаб, халқнинг тиббиётга бўлган ишончи ортиб, ўз соғлиқларига бўлган эътиборлари нихоятда ошди. Шунингдек, ҚВПдаги замонавий шариотларнинг муҳайёлиги ҳам ходимларимиз орасида соғлом нафитни яратишга имкон берди. Бунинг учун аввало, туман ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман марказий шифохонаси ҳамда «Яши Омонов» ширкат хўжалигининг му-

Қарши тумани

ЗАВҚЛАНИБ ИШЛАШ МАШАҚҚАТИ

тасадди раҳбарларига ўз миннатдорчилигини билдираман. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли янги қурилган II типдаги ҚВПмизнинг қад ростлаши ва у ердаги мавжуд шариотлар аҳоли учун ниҳоятда қулайликлар яратди. Эндилликда аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қиладиган бундай тиббиёт масканларини етарли даражадаги замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаган ҳолда ҳар бир мулкни кўз қорачигидек асрасак, қутилган натижаларга эришишимиз шубҳасиз. Лекин бунинг замирида инсон саломатлиги ва тиббиётимиз раванқининг ўсиш даражаси ётади.

Ўтказиладиган ҳар бир йиғилиш ва тadbирлардан сўнг ходимларимиз орасида фаолиятлар бўйича баҳс-мунозаралар, тақлиф ва мулоқотлар қўчади. Бундан асосий мақсад ходимларнинг аҳоли ичида ва шифо масканида олиб бораётган ишларининг моҳияти очилади. Таҷрибали шифокор ва ҳамшираларнинг шогирдларга маслаҳат ва тавсиялари берилганда уларнинг ишга ва касбига бўлган лаёқати янада ошади.

Набатдаги хизмат сафарими Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги бирламчи бўғинда фаолият кўрсатётган тиббиёт муассасаларида бўлди. Барча вилоятлар катори Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўплаб ижобий ишлар «Хомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида йўлга қўйилганлигини қузатдик. Режамизга қўра «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлиқни мустаҳкамлаш» лойиҳалари доирасида олиб борилган фаолиятлар билан танишдик.

Узбекистон Республикаси
Халқаро тўракул уюмаси
Осиё тўракул бани
2006 йил № 9

«Саломатлик – 2»
«Аёллар ва болалар соғлиқни мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»
Women and Child Health Development,
and National flour fortification program. Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по fortification муки»

Пирим ХИДИРОВ,
Қарши тумани, «Тўракул» кишлоқ врачлик пунктнинг
ички касалликлар шифокори.

– Ўттиз олти йилдан буён халқ саломатлиги йўлида хизмат қиламан. Назаримда, касбимдан қониқиш бўлса керак, пенсия ёшидан ўтган

бўлсамда, ҳанузгача тинмай иزلанаман. Қабулимга келган ҳар бир беморнинг аҳолини синчиқлаб кўриб, тўғри ташхис қўйишга интиламан. Ушбу кишлоқ врачлик пунктида фаолият юри-таётганимдан буён биргина шифо масканида эмас, балки уйларда ҳам бўлиб, беморлар аҳолини кузатиб тураман. Охириги пайтларда бирламчи бўғинга бўлган эътибор туфайли бўлса керак, юқумли касалликлар қамайиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Лекин кўпчилик мутахассисларни ташвишга солаётган сурункали буйрак, камқонлик, бўқоқ ва юрак қон-томир касалликларининг учраб туриши мутахассис сифатида мени ҳам ташвишлантиради. Шу боис, ҳар бир беморимга касаллик тарихини айтиб, унинг асорати нечоғлик инсон ҳаётига вафв солишини тушунтириб бераман. Бундан хулоса чиқарган миқозларимнинг тиббиёт нуқтаи наридадан ўз соғлиқларига бўлган эътиборларини кўриб, хурсанд бўламан. Хукуматимиз биз тиббиёт ходимлари учун керакли имкониятларни яратётган экан, завқланиб ишлашимизга нима етсин!



ТАШАККУР

Айни кунда биринчи фарзандимга ҳомиладорман. Ҳавонинг ўзгариши сабабли шамоллаб қолдим. Оила-аъзоларимиз соғлиқни назорат қилишга келган ҳамшира шамоллаганимни кўриб, тезда шифокорга мурожаат қилишимни айтди. Олдинги унинг маслаҳатига эътиборсиз бўйдим. Лекин ҳамширанинг айтган гапи мени хавотирга солди. Чунки, у шамоллаш ҳомилига таъсир қилиб, туғилгажак фарзандимга зарар етишини тушунтирганди. Шу боис, ушбу масканнинг кундузги стационарида даво муолажасини олаётиман. Ана шундай олижаноб тиббиёт ходимларига минг раҳмат!

Юлдуз АБДУЛЛАЕВА, 23 ёш.

ШАРОИТ МАВЖУДЛИГИ МУҲИМ

Санжар ҲАҚБЕРДИЕВ, лаборант.

Эмлаш режа бўйича ойда икки марта ўтказилади. Ушбу жараён амалга оширилгандан сўнг, патронаж ҳамшира уч кун давомида боланинг ҳолидан хабардор бўлиб, керакли маълумотларни менга етказиб туради.

Шунингдек, мавсумий касалликлар бошланганда болаларда грип, қизилча, қизамиқ ва вирусли гепатит касалликлари авж ола бошлайди. Бунинг учун патронаж ҳамшираларининг олиб борган тушунтириш ишлари юқоридаги касалликларнинг қамайишига олиб келмоқда. Келган ҳар бир онага керакли маслаҳат ва тавсияларимни бераман. Керак бўлса, касаллик тарихи, унинг олдини олиш бўйича ифода этилган буклетларни ўқишлари учун уйларига бериб юбораман. Шу сабаб бўлса керак, 2003 йилдан то ҳозирги кунгача, болалар ўлими қайт этилмади. Бу албатта, амалга ошираётган ишларимиз бесамар кетмаётганлигидан далолатдир.

Биз қанчалик соғлом авлод учун жон куйдириб меҳнат қилсак, у бефойда бўлмайди. Сабаби Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлиши учун бу йўлда толмасдан астойдил хизмат қилишимизни қалбдан ҳис этиб касбимиз олдида бурч ва қасамдимишга сидқидилдан ёндошимиз муҳим деб биламан.

– Тўғри ташхис – ярим даво, деганларидек, тиббиётдаги ҳар бир йўналиш ўз мутахассиси учун муҳим ҳисобланади. Айниқса, бемор лаборатория таҳлилига қараб, керакли хулоса чиқаришга ҳаракат қилади ва унга ишонди. Бугунги кунда эса касаллик ташхисини аниқлаш бир мунча енгиллашди. Чунки, замонавий технологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши бу жараённинг нисбатан эрта аниқланишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, муассасамиздаги лаборатория асбоб-ускуналари ўзининг сидқатли ва тезкорлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Аҳоли эса

бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз вақтида текширувдан ўтиб турибди. Эндилликда уларнинг туман марказий шифохонасига бориши сезиларли даражада қаммайди. Чунки, шу ернинг ўзида касаллик тўғрисидаги ташхислар аниқланиб, керакли мутахассисларга тавсия ва йўлланмалар бериб борамиз. Энг муҳими, ҚВПларда бу каби шариотларнинг яратилиши, нафақат бизни, балки кенг жамоатчиликни ҳам эътиборсиз қолдирмаётганлиги билан харахид аҳамиятга деб ўйлайман.



Гулнора АБРУЕВА,
Қарши тумани, Ширкент кишлоқ врачлик пунктнинг
болалар шифокори.

– Мазкур кишлоқ врачлик пунктимиз II типда бунёд этилган бўлиб, 2004 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Унинг ҳудудида 2738 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 2 нафар шифокор, 12 нафар ҳамшира ва 2 нафар кичик тиббиёт ходими хизмат кўрсатади. 14 йилдан буён болалар шифокори бўлиб ишлайман. Болалар ва оналар билан ишлаш касбимга бўлган иштиғим ва меҳримни оширади. Лекин болалар бетеб бўлишса, юрагимда бир гашик пайдо бўлади. Шунинг учун тезда даволаш чорала-

рини излай бошлайман. Қўлимдан келган биринчи ёрдамни кўрсатишга ҳаракат қиламан. Айниқса, болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш, эмлаш ишларини жуда диққат билан олиб бораман. Бу ўринда эмлаш ҳамшираси Дилбар Қўличованинг меҳнатини ҳам эътироф этиш ўринли деб биламан. Чунки, эмлаш жараёни биздан катта масъулият талаб қилади. Мен боланинг соғлиқни назорат қилгандан сўнггина эмлашга рухсат бераман. Эмлаш ҳамширасидан албатта, вакциналарни ўз ўрнида қўллаш талаб этилади.



Кейинги пайтларда республика тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига эътибор янада кучайтирилиб, соғлом оналардан соғлом фарзандларнинг дунёга келиши учун туғруқ мажмуалари қайта таъмирланиб, керакли шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Шунингдек, «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси республикамиздаги айрим вилоятларнинг туғруқ мажмуаларига татбиқ қилиниб, айни кунда белгиланган тиббиёт муассасаларида лойиҳа дастури асосида фаолиятлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги туғруқ мажмуалари ҳам ушбу лойиҳага киритилган. Хизмат сафари давомида Нишон ва Ғузор туманларидаги марказий шифохоналарнинг туғруқ бўлимларида бўлиб, лойиҳа асосида олиб борилаётган фаолиятлар билан танишдик.



Абдужалил ЯНГИБОВ,
Қашқадарё вилояти, Нишон туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлими бошлиғи.

Бўлимимиз 60 ўринга мўлжалланган бўлиб, туманимиз ҳудудидида истикомат қилувчи ҳомиладор аёллар учун хизмат қилади. Айни кунларда мурожаат этувчилар учун керакли шароит ва имкониятлар яратилган ва шифо масканимиз

«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасига киритилган. Шу кунга қадар туғруқ-хонанинг деярли ярим қисмини Осиё Тараққиёт банкининг берган тақлифларига асосан капитал таъмирдан чиқарган бўлсак, қолган қисми бўйича эса айни

КЕЛАЖАК АВЛОД СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА

кунда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мақсадимиз – туғруқ бўлимимизни замон талабларига жавоб бера оладиган даражада фаолият кўрсатишга тайёрлаш.

Агар таъмирлаш ишларимиз тез ва сифатли тугатилса, Осиё Тараққиёт банки томонидан керакли тиббий асбоб-ускуналарнинг келтирилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда меҳнат қилаёғимиз.

Таъкидлаш жоизки, туғруқхона бўлимининг фаолият кўрсатётган қисмида аёлларимизнинг туғиши ва чақалоқлар учун барча имкониятлар мавжуд. Тажрибали акушер-гинеколог, неонатолог, доя ва ҳамширалар ҳомиладор аёлларимизнинг соғлом фарзандларни дунёга келтиришида ўз касбий маҳоратларига таянган ҳолда хизмат кўрсатмоқдалар. Бўлимимизда фарзандли бўлаётган аёлларимиз ва чақ-

Узбекистон Республикаси | Хитро тармақнинг ўсмали | Осиё тараққиоти банки | Global Access

2006 й. № 9

«Саломатлик – 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»
«Women and Child Health Development and «National flour fortification program» Projects

Проекти «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по fortификации муки»



лоқларни ўз вақтида назорат қилиш ишлари тўғри йўлга қўйилган. Шунингдек, аёлларнинг туғиш жараёнида оила аъзоларининг иштирок этиши ҳамда улар учун яратилган уй шароитининг мавжудлиги ҳам бундан мустаном эмас.

Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш вазифаси биз мутахассислар зиммасига юклатилган экан, олдимиздаги масъулиятни сидқидилдан бажариб, ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз муҳим деб биламан.

Биз аввало Нишон тумани марказий шифохонасининг туғруқ бўлимида бўлганимизда, у ерда яратилган шарт-шароитларни зимдан кузатишга ҳаракат қилдик ва фаолият олиб бораётган бўлимнинг иккинчи қисмида қайта таъмирлаш ишлари кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Тўғрисини айтсак, катта ишлар бошланган. Бунинг учун

эса анча вақт кераклиги кўриниб турибди. Шу нарсага амин бўлдики, у ердаги машаққатли меҳнатнинг ортида инсон санолатлиги учун хизмат қила оладиган тиббий маскан бунёд бўлиши кўзда тутилган. Шунинг учун таъмирлаш ишлари тез ва сифатли ҳамда мустаҳкам олиб

борилсагина, лойиҳа томонидан киритилган тақлифлар амалга ошириб, Осиё Тараққиёт банки томонидан берилиши керак бўлган жиҳозлар ҳам ўз ўрнини топиб, аёллар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш йўлида хизмат кўрсатишига шубҳа йўқ.

Шунингдек, Ғузор туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлимида бўлганимизда, у ердаги мутасадди раҳбарлар билан яқинда капитал таъмирдан чиқарилган туғруқ бўлимини кўздан кечирав эканмиз, анча маблағ сарф қилинганлиги кўриниб туриб-

ди. Хоналар лойиҳа томонидан киритилган тақлифлар асосида таъмирдан чиқарилган. Бир сўз билан айтганда, таъмирлаш ишлари тугалланган. Лекин айрим камчиликларга ҳам кўзимиз тушди. Хулоса қилиб айтганда туманлардаги туғруқ бўлимларидаги таъмирлаш ишларидан кўнглимиз тўлмай қайтди.

КЎНГЛИМИЗ ТЎЛМАДИ

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».
Директор – Расулов Нугмон Нигматуллаевич.
700007.

г. Ташкент, ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.
Факс: 68-25-39, E-mail: office @ jpb.uz. com. uz.

Над спецвыпуском работала: И. СОАТОВА. Фото: А. НУРАТДИНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

2006 йил 9 декабрь

Тошкент шаҳри

№ 548

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 9 декабрдаги 548-сонли буйруғига 2-илова


Мақсадли аспирантура ўринларига қабул бўйича олий ўқув юртига бириктириш жадвали

Мутахассислик шифри	Жойлар сони	Юбораётган олий ўқув юртининг номи	Қабул қилувчи олий ўқув юртининг номи
Жами:	15		
14.00.01	1	СамДавТИ	ТошВМОИ
14.00.01	2	БухТИ	ТошВМОИ
14.00.14	2	БухТИ	ТошВМОИ
14.00.18	1	БухТИ	ТошВМОИ

(Давоми. Боши 4-бетда).

14.00.21	2	БухТИ	ТТА
14.00.37	1	БухТИ	ТошВМОИ
14.00.04	1	ТТАнинг Урганч филиали	ТТА
14.00.22	1	ТТАнинг Урганч филиали	ТТА
14.00.27	1	ТТАнинг Урганч филиали	ТТА
14.00.35	1	ТТАнинг Урганч филиали	ТошПТИ
14.00.09	1	ТошПМИнинг Нукус филиали	ТошПТИ
14.00.29	1	ТошПМИнинг Нукус филиали	ТошВМОИ

Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. АТАХАНОВ.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир хайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир хайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исломова, Омонгурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббанов, Рихис Салихўжаева, Намоз Толипов, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобов кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 133-57-73, тел: 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йилнинг 17 ноябрь кuni руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 211.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonда sog'liqni saqlash - Zdravoohraneniye Uzbekistana» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 4440 нусха. Бюрога 1-1451.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табак. Формати А3. Офсет усулда босилган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда даъмиларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр КЎШОКОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.